

Тошкентдаги 3-тикувчилик фабрикаси бу йил 1 миллион 200 мингта аёллар ва қиз болалар кўйлакларини ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқишга корхонанинг пешқадам ишчиси, беш йилликни муддатидан олдин бажарган коммунистик меҳнат зарбдори Нури Раҳимова ҳам катта ҳисса қўшмоқда. СУРАТДА: Нури Раҳимова.

◆ *Беш йилликнинг зарбдор одимлари*

КАЛЕНДАРДА АВГУСТ

«Июль ойи топшириғи шараф билан адо этилди. Планга қўшимча равишда бир неча минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Корхона маҳсулотини реализация қилиш топшириғини ҳам ортиғи билан адо этди...»— шаҳримиздаги саноат корхоналарининг кўпгина коллективлари ўзларининг зафар рапортларини ана шундай сўзлар билан бошлаган.

Тошкент саноатчилари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизғинлаштириб, беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини шараф билан адо этиш, шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш мақсадида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Бугун янги ойнинг биринчи куни. Хўш, шаҳримиздаги корхоналар августнинг биринчи кунини қандай бошлашди? Қуйидаги хабарларда баъзи саноат корхоналари коллективларининг августнинг биринчи кунида қўлга киритган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўроқ ва болға бирлиги

«ТАШАВТОМАШ» ЗАВОДИ БОШ ИНЖЕНЕРИ А. БАРАБАШИН:

Бугун

«Ташавтомаш» заводининг территориясининг чекка қисмида паровоз қичқириғи эшитилди. Темир йўл майдонидан август ойидаги биринчи состав йўлга чиқди. Унга корхона маҳсулотлари ортилган. Тўрт тонналик трактор прицеплари ва эҳтиёт қисмлари қишлоқ



Коммунист Василий Комаров Тошкент каравот заводининг илғор ишчиларидан бири сифатида ҳамиша кундалик нормасини ортиғи билан бажариб келмоқда. У ҳозир ўзининг беш йиллик топшириғини бажариш арафасида турибди.

механизаторларига жўнатилди. Уларнинг адреси ҳам аниқ. Бу маҳсулотларни Урганч, Самарқанд, Бухоро ва бошқа областлар кутиб турибди.

Серқуёш республикамиз ва Ўрта Осиё республикаларининг пахтакорлари ҳосилни йиғиб-териб олишга қизғин тайёргарлик кўришяпти. Ана шу «оқ олтин» ҳосили трактор прицеплари ва 7 тонналик автопоездлар ёрдамида ташиб олинади. Коллектив аъзолари май ойида 3 минг прицепни йиққан эдилар. Июнда эса бу рақам 3170 га ошди. Июль ойида ҳам баракали меҳнат қилинди. Буни завод меҳнат аҳлининг қўлга киритган муваффақиятидан яққол кўриш мумкин. Шу ойда йиғилган прицеплар сони 3 минг 250 тага етди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини тайёрлаш давлат топшириқлари ой сайин шараф билан адо этиляпти. Шу йилнинг биринчи ярмида 17506 прицеплар, 85,3 минг сўмлик прицепларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланди.

Тошкент темир йўл бўлимига завод маъмуриятининг жиддий таъналари ҳам бор. Темир йўлчилар ҳамма вақт ҳам «Ташавтомаш» заводини вагонлар билан ўз вақтида таъминлаяпти. Бу нарса маҳсулотни ўз вақтида жўнатишга салбий таъсир кўрсатяпти.



«Главмосстрой»га қарашли 169-қурилиш бошқармаси пойтахтимизнинг «Марказ-1» кварталида шинам уй-жойлар қурмоқда. Дина Кузникова эса уйларни қуриш ва зеб беришда ҳамиша илғорлар сафида бормоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Ремонтдан сўнг

ТАМАКИ ФАБРИКАСИ БОШ ИНЖЕНЕРИ М. ШАПИРО:

Бугун

Ж. Обидова номидаги тамаки фабрикасининг ишлаб чиқариш участкалари капитал ремонтдан сўнг яна тўла қувват билан ишлай бошлади.

Баъзи ишлаб чиқариш участкаларининг вақтинча тўхтатиб қўйилганига қарамай, июль ойи топшириғи муваффақиятли адо этилди. 7 ой ичида планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Беш йиллик тўртинчи йилининг етти ойи ичида юқори сифатли «Лайка» сигаретидан 25 миллион дона ишлаб чиқарилди. Бу — 1969 йилнинг янги маҳсулотидир. Фильтрли «Лайка» сигарети ҳақида яхши фикрлар билдиришяпти.

Шунингдек, корхонада фильтрли сигаретнинг янги тури ишлаб чиқилди. Унга дегустация комиссияси яхши баҳо берди. Янги сигаретнинг дастлабки намуналари министрликка — «Главтабакка» тасдиқлаш учун юборилди.

Янги сигаретнинг ҳозирча номи йўқ. Лекин шу нарса аниқки, у Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган энг яхши маҳсулотлардан асло қолишмайди.

Корхонани реконструкция ва ремонт қилиш даврида участкалардаги машиналар юксак унумли механизмлар билан алмаштирилди. Бу нарса маҳсулот ишлаб чиқаришда яхши самара беради. У сменада 500—600 минг сигаретни қутига жойлайди.

ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

«ЮЛДУЗ» ФИРМАСИ ПЛАН БЎЛИМИНИНГ БОШЛИҒИ З. З. НАФИКОВА:

Бугун

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг коллективи биринчи сменада 1870 та эркаклар ва болаларнинг костюмларини тайёрлади. Шундай қилиб августнинг дастлабки куни яхши бошланди.

Фирма чеварлари 23 июлдаёқ маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик топшириғини адо этган эдилар. Ойнинг охиригача эса улар пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Қўлга киритилган зафарда ҳамма цехларнинг муносиб улуши бор. Лекин ҳаммадан ҳам учунчи цех ғайрат кўрсатди. Цехнинг илғор ишчилари ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Корхонада В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кун сайин қизғинлашмоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 4-йил чиқиши АВГУСТ 1969 й. ЖУМА № 178 (942). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК КЎПРИГИ

Тошкентлик шоирлардан бири улуғ Волга дарёсини Россиянинг зангори белбоғи деб атади, бу ибора бугун ўзбек дўстларимизнинг ўзларига ҳам жуда ярашди. Горькийда, Қозонда, Ульяновскда Узбекистон адабиёти ва санъати декадаси муваффақиятли ўтмоқда. Мамлакат маданий ҳаётидаги бу зўр воқеа коммунистик қурилиш тажрибаларини, халқларимизнинг маънавий дунёсини бойитувчи қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йилномасига ёзилган яна бир саҳифадир. Серқуёш Узбекистон маданият ва санъат арбобларининг ижодий ҳисоботлари В. И. Ленинниинг ҳаёти ва фаолияти билан боғланган жойларда ўтаётганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Декаданинг якунловчи тароназ Москвада янграйди.

Бундай декадаларни, маданият фестивалларини, республикаларнинг ленинча фан кунларини мамлакатимизда ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу анъана бундан 30 йил муқаддам эзиёдроқ ҳаётимизнинг бутун туэуми, унинг интернационал моҳияти, Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати туфайли пайдо бўлган эди. Турли республикалар маданият, санъат, фан арбобларининг учрашиб туришлари, уларнинг халқ олдида ҳисоб беришлари маданий бойликларни тобора самаравирроқ алмашиш учун кенг восита бўлиб қолмоқда, совет кишиларини ватанпарварлик, интернационализм рухида тарбиялашнинг улуғ мақсадларига хизмат қилмоқда. Миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитиши — ўзининг бутун чуқур моҳияти жиҳатидан ижодий, олижаноб ва прогрессив процессдир. Бу процесс миллий ижодгаги жамики талантли, қаётбахш, ёркин нарсаларнинг ҳаммаси мушгарак бўлиб қолишига, қардош маданиятларнинг маънавий интернационал бойлиги бўлиб қолишига ёрдам бермоқда. «Ҳар бир миллатнинг маданий хазинаси, дейилади КПСС Программасида, тобора интернационал тус олаётган ижод билан борган сари бойиб бормоқда». Шуни айтиш керакки, бу ўзига хос алоҳида хазинадир: Ундан қанча кўп бойлик олинса, бу хазина шунча қимматлироқ ва бойроқ бўлиб қолади.

Совет халқлари ўртасида маданий-бадиий алоқаларнинг ривожланиши ва чуқурлашуви давримизнинг энг муҳим ҳамиятга эга воқеаларидан бўлиб қолмоқда. Бу алоқалар социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми негизида ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига, прогрессив миллий анъаналарнинг янада бойишига хизмат қилмоқда. Халқларимизнинг маданиятидаги миллий ва интернационал хусусият мавҳум эмас, балки мутлақо конкрет тушунчадир. Ана шу икки ирмоқнинг бир-бирига туташиб кетганлиги ижод майдонида ажойиб самара бермоқда. Ўзаро алоқа, маданиятларнинг бир-бирига таъсири, ҳар бир халқнинг ижтимоий-сиёсий бирлиги ва умуман бутун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий бирлиги асосида, уларнинг ғоявий-ижодий яқинлашувидан иборат қаётбахш жараённи кўрсатувчи кўпдан-кўп далилларни қаётнинг ўзи яққол намойиш қилмоқда. Бу тараққиётнинг социалистик табиатига эга бўлган миллий маданиятларнинг янги типдаги ўзаро муносабатидир. Ижтимоий-маданий тараққиётнинг мураккаб коллектив тажрибаси шунинг учун ҳам қимматлики, у янги сифат ўзгаришларга олиб келмоқда, бундан илгари сира кўрилмаган натижалар бермоқда. Чинакам инсонпарвар, халқчил, маънавий пок истиқбол эгасини камол топтираётган маданиятнинг барпо этувчи социализмнинг тарихий новаторлиги мана шунда ўз ифодасини топгандир.

КПСС халқларимизнинг маданиятларини интернационал негизда мустаҳкамлашга, коммунистик жамиятнинг келажак ягона умумбашарият маданиятининг шакланишига ёрдам берадиган жараёнларга ҳамиша этиборбор бериб келмоқда. СССРда маданий қурилиш тажрибаси бу соҳада сарфланаётган куч-ғайрат наҳадар самарали бўлаётганлигини яққол кўрсатиб турибди: миллий маданиятларнинг равнақи уларнинг интернационал бирлигини мустаҳкамламоқда, интернационал бирлик эса ўз навбатида миллий маданиятлар равнақига баракали таъсир қилмоқда. Ҳар бир республиканинг бошқа миллатлар тажрибаси билан бойиган маданияти ўзининг тор миллий доирасида чекланиб қолган вақтидаги даражасига нисбатан беқиёс бой, жозибали бўлмоқда. Социалистик маданиятларнинг ягона интернационал негизи жаҳон маданиятида бор бўлган жамики қимматли энг яхши нарсаларни ўзига сингдиришга, коммунистик ижтимоий эстетик идеалларни жаҳонда ёркин пропаганда қилишга ҳаммадан кўра кўпроқ ёрдам бермоқда.

Узбекистонда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг барқ уриб ривож топаётганлиги бизда миллатларнинг, уларнинг маданиятларининг равнақ топиш тарихий жараёни, бир-бирига яқинлашиш ва бир-бирини бойитиш тарихий жараёни қанчалик кенг бораётганлигини намоён қиладиган ва ана шу юксак мақсадларга хизмат этадиган кўпдан-кўп мисоллардан биридир. Узбекистоннинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти муштарак манфаатлар ва мақсадлар билан яшаётган ягона халқлар оиласи миллатлар қамдўстлиги туфайли, бутун совет жамиятининг ижтимоий-иқтисодий етуклиги туфайли вужудга келди, мустаҳкамланди ва мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди. Рус халқи ва бошқа халқлар бирма-ҳаллар қолоқ чекка ўлкада аслини олганда саноатни, қишлоқ хўжалигини янгидан вужудга келтириш, ишлаб чиқариш кучларини зўр бериб ривожлантиришда сахийлик билан кўмаклашдилар. Совет республикаларининг бир-бирига қамиша ўзаро ёрдам кўрсатиши, уларнинг муштарак манфаатлари тўғрисида гамхўрлик қилиши маданият соҳасида ҳам қаётимизнинг қонуни бўлиб қолди. Рус олимлари янги турмуш барпо этилаётган даврнинг дастлабки пайтидаёқ Тошкентда биринчи университетни ташкил этдилар. Бу университет миллий олимлар, мутахассислар, маданият ходимларини тайёрлаш макони бўлиб қолди. Ленининнинг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги машҳур декрети республиканинг маданий қиёфасини ўзгартиришда жуда катта роль ўйнади. Булар илгари ўтиб кетган кунларга оид фактлардир. Эндиликда Узбекистоннинг табиий офатдан зарар кўрган пойтахтини бутун мамлакат қураётганлигини ким билмайди, дейсиз! Бир-бири билан қон-қардош халқлар ўртасидаги янги муносабатларнинг моҳияти худди мана шу воқеада ўзининг муносиб ифодасини топди.

Дўстнинг кўмаги. Қон-қардошнинг мадади. Бундан кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқлар баҳраманд бўлиб турибдилар. Яна шу Узбекистонни олиб кўринг. Унинг ҳозирги бойлиги — бахтиёр халқидир. Унинг бойлиги саноатнинг юздан ортиқроқ тармогидан иборат 1200 йирик корхонадир. Унинг бойлиги уч миллионга яқин кишн ўқиётган тўққиз мингта умумий таълим мактабларидир. Унинг бойлиги иккита университет, 36 институт, 156 техникум ва билим юртидир. Унинг бойлиги Фанлар академияси, 178 та илмий тадқиқот институтлари, 22 минг илмий ходимдир. Булардан 402 кишн фан докторлари, 5,6 мингдан ортиқроқ кишн фан кандидатларидир. Унинг бойлиги ўн беш театр, шу жумладан, иккита опера театри, киностудия, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, архитекторларнинг йирик ташкилотларидир. Яна шундай маълумотларни келтириш ўринлидирки Узбекистон нитоб маҳсулотлари чиқариш жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринда туради.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига Узбекистон ССР билан бошқа иттифоқдош республикалар ўртасида кундан-кунга кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ҳамда маданий алоқалар туфайли эришилди.

Мамлакатимиз жаҳоншумул тарихий воқеа — В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида турибди. Барча республикаларнинг халқлари ўзларининг маданият соҳасида мисли кўрилмаган парвозларини революция доҳийси, КПСС ва Совет давлатининг асосчиси номи билан ҳақли равишда боғлайдилар. Мамлакатимиз республикалари халқлари ўртасида маънавий бойлик ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ бахам кўрилмоқда. Масалан, яқиндагина Москвада Украина адабиёти ва санъати декадаси жуда катта муваффақият билан ўтди. Бу декаданинг улкан якунловчи концертида жаҳондаги коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашининг иштирокчилари қатнашдилар. Кўпгина миллий драма ва музика театрларининг гастролларн бўлиб ўтди. Турли иттифоқдош республикалар маданият устаси бир-бирлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Улар бир-бирларига шогирддир, бир-бирларига устоздирлар.

Ажойиб ўзбек шоираси Зулфиянинг мушоира тўғрисидаги жўшқин ва пурҳикмат шеърлари Волга дарёси устида жаранглаётгандигининг рамзий маъноси бор:

... Янги куй, янги ўй олиб
шоирлар,
Даврага келарди, келарди ҳамон.
Дилларни пайвандлар эди сатрлар,
Дўстлик, қардошликнинг
кўпригисимон.

Шоирона образни давом эттирамиз: Социалистик санъат, маданият бир-биридан асло ажралмас кўприкдир. Советлар мамлакатининг халқлари ҳамиша қолиб дўстлик ва қардошликнинг буюк қонунлари асосида яшамоқдалар, янги қаётга қурмоқдалар ва янги кишини камолга етказмоқдалар, бутун жаҳон ўрнан олса арзигудек намуна кўрсатмоқдалар.

(29 июлдаги бош мақола).

КИНО САНЪАТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Тўқимачилик комбинатининг Маданият саройи қошида ташкил этилган кино санъати халқ университети иш бошлаганига ҳали кўп бўлган эмас. Ҳозиргача университет тингловчиларининг сони 300 дан ошди.

Университет машғулотлари икки йилга мўлжалланган бўлиб, тингловчилар кино санъати тўғрисида назарий билимлар олишади. Улар совет ва чет эл кинофильмларининг энг яхши намуналари билан танишадилар, таниқли кинорежиссёрлар, актёрлар билан учрашувлар ўтказишади. Бу йилги программага биноан доҳий В. И. Ленин ҳамда унинг сафдошлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кинофильмларни ўрганишга кенг ўрин берилган.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида университетда «Дунёни титратган кунлар ҳақида», «В. И. Ленин Октябрь революциясининг доҳийси», «Ф. Э. Дзержинский-нинг революцион фаолияти», «Машҳур революционер Яков Михайлович Свердловнинг ҳаёти ва фаолияти» деган темаларда лекциялар ўқилди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига», «Ўзбекфильм студиясининг фильмларида Улуғ Ватан уруши темаси» деган мавзуларда машғулотлар ҳамда бир неча марта «Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодий коллективи билан учрашувлар ўтказиш мўлжалланяпти.

ЧИННИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Бугун

РСФСРда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан Тошкент чинни, заводида буюмларнинг турли хиллари тайёрланиб, Россияга юборилди. Нафис ва чиройли пиёлалар, чойнаклар, вазалар ҳамда косалар Ульяновск, Горький, Қозон шаҳарларига тортиқ қилинди.

В. И. Ленин, А. М. Горький, Абдулла Тўқай тасвирн туширилган бежирим чинни буюмларидан 10 минг дона РСФСРга юборилди.

Яқинда Эрон мамлакатида ўтказиладиган экспонат кўргазмага ҳам корхонанинг буюмлари жўнатилади.

АВГУСТДА ОБ-ҲАВО

Август ойида шаҳримизда об-ҳаво бироз совийди, 1-2 даража пастга тушади, намгарчилик эса 5-10 миллиметрга кўтарилади. Айниқса, биринчи беш кунлик бироз булутли бўлиб, кўпроқ ёғингарчилик бўлиши кутилади. Баъзи вақтларда қаттиқ момақалдироқ бўлиб, чанг аралаш шамол бўлиши ҳам эҳтимол. Кечаси эса ҳарорат 10-15, кундузи 23—28 даража иссиқ бўлади.

Ойнинг бошқа кунларида ҳаво очиқ келади. 10-18 ва 26-31 августларда кундузи 33—38, кечаси эса 20-25 даража иссиқ бўлади.

В. ДЕВЧЕНКО,
шаҳар об-ҳаво бюросининг старший инженер-синоптиги.

ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТАЛАРИ

⊙ КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Понамарёв Лаос ватанпарварлик фронтининг шу фронт Марказий Комитети аъзоси Тая Сук Вонг Сак бошчилигидаги делегациясини 30 июль куни қабул қилди.

⊙ РСФСРда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида актив қатнашганликлари ва қардошмиллий маданиятларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганликлари учун декадада қатнашган коллективлар РСФСР Олий Совети Президиумининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланди.

⊙ Кеча Москвада Кремлнинг Съездлар саройида РСФСРда бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси тантаналн суръатда якунланди.

чет эллардa


БМТ иқтисодий ва социал кенгашининг сессиясида

ЖЕНЕВА, 30 июль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгашининг 47-сессиясида қатнашаётган совет делегациясининг бошлиғи А. Е. Нестеренко қуйидагиларни айтди: ривожланиб бораётган мамлакатларнинг миллий мустақиллиги манфаатларини ва эски ҳамда янги мустамлакачиликнинг иқтисодий оқибатларини тезликда бартараф қилиш манфаатларини кўзлаб, уларнинг иқтисодий, маданий ва социал тараққиётини таъминлаш чораларини кўриш — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёти иккинчи ўн йиллигидаги асосий вазифадир, А. Е. Нестеренко кеча кенгашнинг иқтисодий комитетида нутқ сўзлади. Бу вазифа, — деди нотиқ, — халқаро вазият нормаллаштирилган ва барча давлатлар тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун изчил кураш олиб борган бир шароитдагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Совет вакили айтдики, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига дунёнинг миллий планлар иккинчи ўн йиллик программасига асос қилиб олиниши лозим.

СССР делегати халқаро савдо-сотиқни нормаллаштириш ва кенгайтириш ҳам иккинчи ўн йиллик программасининг муҳим қисми бўлмоғи керак, деб таъкидлади.

Сўнгра А. Е. Нестеренко Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатларнинг иқтисодий қолоқлигини бартараф қилиш ишига Совет Иттифоқи қўшаётган ҳиссани кўрсатувчи конкрет маълумотлар келтирди. А. Е. Нестеренко қуйидагиларни эслатиб ўтди: ривожланиб бораётган мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кенгайтириш, халқларнинг миллий зулмдан озод бўлиши йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш, озод бўлган давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, миллий мустақил экономикани вужудга келтириш ва иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришда уларга бутун чоралар билан ёрдам бериш — Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.



ЖАЗОИР Халқ Демократик Республикасида қўрилаётган ўзлаштиришда совет мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. СУРАТДА: Жазоир ва совет мутахассислари янги ўзлаштириладиган ерда текширишлар олиб боришмоқда.

А. Богомазов фотоси. (ТАСС).

Қурилиш майдонларида

СТУДЕНТЛАР УЧУН

Бундан бир неча йил муқаддам Учительская кўчасидаги тўрт қаватли бинода қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация инженерлари институти жойлашган эди. Ҳозирда эса институтнинг Уриц кий кўчасида қурилган иккита ўқув корпуси ва бешта кўп қаватли ётоқхона студентлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Бу йил институтга 900 дан ортиқ студент қабул қилинади. Институтга эса янги ётоқхона керак.

Бугун

институт учун Станислав кўчасида тўртта корпусдан иборат 1600 ўринли ётоқхонага бетон ётқизиш ишлари бошланди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб қурилаётган бу юбилей объектининг 159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

Айниқса, қурувчилардан С. Эгамбердиев, Ў. Ҳакимов, пайвандчилардан В. Шведчиков, В. Валавиков, бетончи Т. Домокритов ва бошқалар зўр ғайрат билан меҳнат қилиб. ҳаммага ўрнак бўлишяпти.

◆

АРМУҒОН

Ихтирочи ва рационализаторларнинг таклифлари туфайли «Главташкентстройнинг 2-қурилиш трестига қарашли 11-бошқармаси кейинги икки ойда 20 минг сўмдан зиёд фойда кўрди.

Бугун

шу соф фойда авторлари — С. О. Швайбович, Р. Тоғаев, А. Одолинскийларнинг номлари қурилиш бошқармасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Рационализаторлар қурилишда темир-бетон ишларини янада такомиллаштириш ҳақида янги ихтиро яратишяпти. Бу эффектли янгилик тез кунларда ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

ЯНГИ МАССИВ ҚУРИЛИШИДА

РЕПОРТАЖ

Илгари Қўйлиқ деганда кишининг кўз олдига пойтахт чеккасидаги далаларга туташган пастқам гувала уйлар, бедапоя ва сабзавот полизлари келарди. Эндиликда у ерларда бутунлай янги манзара — кўп қаватли турар жой бинолари, мактаб, ясли, боғча ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад кўтарган, янги иморатлар тикланиб шаҳарча барпо этилмоқда.

Қўйлиқ-1 уй-жой массиви рўпарасидаги майдонда бундан тўрт ой муқаддам совхоз сабзавоткорлари банд эди. Ҳозир эса 42 гектар майдонда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Эртадан кечгача трактор ва бульдозерларнинг гуриллаши, бирин-кетин келиб-кетаётган қудратли ағдарма машиналарнинг оқими тинмайди. Бўлажак уйлар ўрнини текислаш, пойдевор ўрнига бетон қўйиш ишлари авж олиб кетди.

— Қурилиш ҳақидаги барча дарсликларда, — дейди 3-трестнинг 15-қурилиш бошқармаси бошлиғи М. Чернович, — нуль цикли тайёр бўлгач, монтаж ишларини бошлаш лозим дейилган. Шу туфайли массивни ўзлаштиришга киришар эканмиз бошда инженерлик иншоотларини тартибга солмоқчимиз.

Биз бунда технологияга қатий риоя қиламиз. Майдонни ёрдамчи пудратчилар ихтиёрига топширдик. Улар ер ости коммуникацияларини ўтказиб, вақтинча қурилган йўлларга шағал тўкишади.

Учта бўлажак уй пойдеворига бетон қўйилмоқда. Тайёр бўлган тўрт пойдевор устида эрта-индин қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилади, бирин-кетин бўлажак уй қаватлари тикланади. Бош пудрат ишлари графиги муддатидан анча олдин бажарилмоқда.

Бизга йўл-йўлакай бошқарма бошлиғи М. Чернов, участка бошлиғи А. Сачаков ва прораб И. Белов ўртоқлар иш сурати ҳамда ҳар бир уйнинг ўзига хос хусусияти тўғрисида қисқа қилиб беришди. Биз кетаётган йўл остидан ер ости инженерлик коммуникациялари ўтказилган. Демак, монтаж ва пардозлаш ишлари тамомланиши билан уйларни водопровод тармоғига улаш мумкин.

— Фақат тармоқларни улаш қолган, — дейди А. Сачаков, — 7-трестга қарашли 2-ихтисослашган бошқарманинг сантехниклари Л. Полянский раҳбарлигида ҳозирнинг ўзидаёқ сув ўтказгичнинг биринчи сизов ишларини бошлаб юборишди. Котлованларда ҳар бири тўрт кишини бирлаштирган бригадалар ишламоқда. Меҳнат яхши ташкил қилинганлиги учун бу одамлар ишни тўла бажо келтиради.

Участка бошлиғи Александр Сачаков билан прораб Игорь Белов ҳали ёш. Улар ўз билимларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, бригадалар иш унумдорлигига ҳисса қўшишмоқда. Мана, бир мисол. Массив ўзлаштирилаётганда бир туп дарахт билан қудуққа тегилмади.

— Бунинг лекини бор экан, кейин билдик, — дейди қурувчилардан бири. — Ҳозир одамлар дарахт салқинида дам олиб, қудуқ сувидан баҳраманд бўлишяпти. Шу дарахт билан қудуқ туфайли қурувчиларга яхши шароит яратиб берилди.

Фақат меҳнат командирлари эмас, балки ишчилар ҳам ишлаб чиқаришга бирор янгилик қўшишмоқчи бўлишади. Михаил Пенин бошқараётган бригада коллективининг таклифига биноан пойдеворга бетон қўйиш учун олдиндан тайёрланган шчитлардан фойдаланиладиган бўлди. Ҳар сафар иш жойида вақтни кўп сарф қилган ҳолда опалубкани йиғиб, кейин ўрнатишга тўғри келарди. Энди бўлса тайёр металл шчитларни осонлик билан бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш мумкин. Бошқарма мутахассисларининг ҳисобига кўра, бу туфайли шу ерда қуриладиган 31 уйдан 100 кубометрга яқин ёғоч ва мингдан ишчи кучи тежаб қолинар экан.

Қурилиш майдони билан ёнма-ён атрофдан тахта девор билан тўсилган хўжалик ҳовлиси жойлашган. Вақтинча омборлар ғишт парчаларидан тиклади. Ўша ерда қурилган бостирма остида Роман Куроедов бошлиқ бригада аъзоларида юқорида биз тарифлаган опалубкани тайёрлашади.

—Бу иш котлаванлар ёнида қилинганда борми, — дейди бригада бошлиғи, — кўчма электр станцияни ишга солиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга тўғри келарди. Бу ерда эса, мана кўриб турибсиз, ҳам осон, ҳам қулай. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, нормадагига нисбатан тўрт баравар кўп ишчи кучи тежалар экан.

Бундан ташқари хўжалик омборида барча қурилиш материаллари талабга биноан сақланади.

— Хўжалик омборини қуриш учун биз бир неча минг сўм сарфладик, — дейди М. Чернович, — ўн сўмлаб фойда оламиз. Бу ерда материалларни сақлаш мумкин бўлгани учун эмас, балки барча кўмакчи ишлар бажарилганлиги учун шундай бўлади. Массив қурилиши 1971 йилгача давом этади. Демак, бу ерда анча ишлар бажарилади.

Бошқарма инженерлари ҳам қурилиш ишини енгиллаштиришга катта ҳисса қўшишмоқда. Улар сув узатгич резервуарини техникавий ҳал этишда оригинал услуб қўллашди. Ҳар бир резервуар монолит темир-бетондан тайёрланиши лозим эди. Айланма опалубка тайёрлаш учун 100 километрдан кўпроқ ёғоч ва тахта ишлатилиб, унга кўпгина маблағ сарфланади. Буни йиғма темирбетондан тайёрлашга қарор қилинди. Бу қурилиш сурьатини тезлаштириб, иш унумдорлигини оширади, таннархини камайтиради.

Бош пудратчи 15-қурилиш бошқармаси массивини ўзлаштиришни апрель ойидан бошлаган. Ўтган вақт мобайнида ишлаб чиқариш топшириғи Қўйлиқ —2массивида 2,5 баравар, Қўйлиқ —3 да эса уч баравар бажарилди. Аниқроқ қилиб айтганда, ярим йиллик план уч ойда бажарилди.

Бунга бош пудратчи ва пудратчи ташкилотлар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, бамаслаҳат иш тутиш туфайли эришилди. 2-қурилиш механизацияси трестининг 2-механизация бошқармаси механизаторлари котлованлар ёнида кранларни монтаж қилиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Шундай қилинса, бош пудратчи кунига 12 минг сўм ўзлаштиради...

Янги массивда ишлар авжида. Қатор-қатор уйлар тикланиб, ҳовлиларда кичкинтойлар қувнаб ўйнайдиган кун яқин.

Ҳ. ҲАКИМОВ.



Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Тешабой Пирохунов ва биология фанлари кандидати Абдулла Қориев ғўзани илдизидан озиқлантириш асосларини назарий жиҳатдан ўрганмоқдалар. Уларнинг тажрибалашича азот ўғитларига микроэлементларни аралаштириш, уларнинг эффективлигини оширибди, пахта толаси, чигит мойини кўпайтиради, ҳар бир гектардан 2—3 центнердан қўшимча ҳосил олиш имконияти беради.

СУРАТДА: Тешабой Пирохунов ва Абдулла Қориев В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ).



Фрезерчи Х. Яхшиев «Ташавтомаш» заводи механика цехининг илғор ишчиларидан бири. У беш йиллик шахсий топшириғини шу йил ноябрь ойида бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

ЙЎЛ ҚУРУВЧИЛАР

«Мосбасдорстрой» трестининг 3-махсус қурилиш бошқармаси коллективи икки йилдан буён «Росташстрой» трести қарамоғида кварталлараро магистрал йўллар ва йўлкалар қуриш ишини давом эттирмоқда. Бу коллектив ўтган вақт мобайнида анча ишларни бажарди, қанчадан-қанча жойларга асфальт ётқизди.

Бошқарма коллективи икки йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистон пойтахтида 400 минг квадрат метр йўл ва йўл калар қурди. План топшириқларини бажаришда Николай Полонов, Владимир Дмитриенко каби бульдозерчилар, автоскреперчи Николай Гришченко, экскаваторчи Сергей Захаров каби механизаторлар катта ҳисса қўшишди. Ишда барча механизаторлар юксак натижаларга эришмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Г. ГУСАКНИНГ СОФИЯДА БЎЛИШИ

СОФИЯ, 29 июль. (ТАСС). Бугун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетида Болгария Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак билан учрашди.

БТА агентлигининг хабар беришича, учрашув вақтида ҳар иккала қардош партиялар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан, шунингдек, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг баъзи проблемалари юзасидан кенг фикрлашиб олинди. Музокаралар тўла ҳамжиҳатлик руҳида, дўстлик вазиятида ўтди.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ГДР ТАШҚИ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Ғарбий Берлин шаҳар маъмурияти Бундестверда хизмат қилишдан бош тортганлиги учун бир группа немис ёшларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида ГФР маъмурларига топширди. ГДР ташқи ишлар министрлигининг вакили бу ғайри-қонуний ҳаракатни Ғарбий Берлин статусини қўпол равишда бузиш, деб таърифлади.

«Нойес дойчланд» газетасида эълон қилинган баёнотда ГДР ташқи ишлар министрлигининг вакили Кизингер— Штраус ҳукумати Ғарбий Берлин сенатининг мадади билан Боннинг агрессив ҳарбий қонунларини Ғарбий Берлинда очиқдан-очиқ қўлланаётганлигини мудҳиш бир воқеа, деб атади.

◆

НИКСОННИНГ ТАИЛАНДДА БЎЛИШИ

НЬЮ—ЙОРК. (ТАСС). Осиё мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ президенти Р. Никсон Таиландда ҳаммадан кўп тўхтаб қолди. Бу ерда у уч кун бўлади. Таиланд АҚШ билан фақат Сеато орқалигина эмас, балки ўзаро тузилган ҳарбий битимлар билан ҳам боғлангандир. АҚШнинг Вьетнам халқига қарши олиб бораётган агрессив урушида анчамунча роль ўйнаётган олтита авиация базаси Таиланд территориясида жойлашган.

Америка матбуотининг хабарларига кўра, Никсон Таиланд раҳбарлари билан Вьетнамдаги уруш ва Америка билан Таиланд ўртасидаги муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилади. Таиландаги АҚШ базаларини яна узоқ вақтгача сақлаб қолишга уриниш Америка дипломатиясининг ўз олдига қўйиган вазифаларидан биридир. Америка Осиёдаги режаларида бу базаларга катта аҳамият бермоқда.

●„Озод дунё“ ахлоқи

МУСТАҲКАМЛИКНИ СИНАШ

Лондондаги машҳур мум шакллар музейининг «даҳшатлар хонаси»да ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларнинг бошини кесадиган гильотин машинаси турибди. Қачондир унинг пичоғи остида Людвиг XVI ва Мария Антуаетта ўз ҳаётларини тугаллаган эдилар. Бу тарихий экспонат пичоғининг оғирлиги 24 килограмм келади. Томошабинларни бошлаб юрувчи гид унинг тарихи ҳақида ҳаяжонланиб гапирар экан, туристлар нафасларини ютиб қулоқ соларилар.

Яқинда бу машҳур экспонат атрофини элликка яқин журналист қуршаб олди. Улар фавқулодда бир иш тайёрланаётганини пайқашган эди.

—Биласизми,— деди бунган анча хабардор бўлган кимдир ўз ҳамкасбларига, —компания агар бахтсизлик юз берса деб унинг бошини страхования қилдириб қўйди. Мастер Бути ўлик ёки тирик ҳолида миллионер бўлиб қолади. Болаларига ҳам у бу қолади. Аммо у наҳотки таваккал қилса-я?

Маълум бўлишича, елим ишлаб чиқарувчи бир компанияга ўз маҳсулотининг тенгсиз эканлигини исботлаб бериш керак бўлиб қолибди. Лекин буни қандай қилиш керак. Реклама қилишнинг одатдаги усуллари бу ишда ёрдам беролмайди. Гильотин машинаси ҳақидаги фикр кимнинг бошида биринчи пайдо бўлганини айтиш қийин. Аммо бу фикр пайдо бўлди. Реклама томошасида асосий ролни ўйнашга хоҳиш билдирган кўнгилли киши ҳам топилиб қолди. Бу компания хизматчиси Майкл Бути эди. Томошанинг ўзи эса Парижда чиқаётган «Франс суар» газетасининг хабар беришича, қуйидагича ривожланиб борган.

Гильотин машинасининг пичоғини ушлаб турадиган арқон кесилиб унинг ўрнига фирма елими ёпиштириб қўйилган. Майкл Бути ўз бошини кундага қўйган. Рост, кимдир хавфсизлик учун ҳар қандай тасодифга қарши темир тўсин қўйишни таклиф этди. Аммо томошани ташкил этувчилар бундан бош тортишди. Нархни туширибди бўлмайди, таваккал бўлгандан кейин таваккал бўлсинда!

Майкл Бути кундадан бошини кўтарди. У ҳатто «мен тажрибани такрорлашга тайёрман» деб айтишга ўзида куч топди.

Фирма елими ўз мустаҳкамлигини синовдан ўтказди. Бироқ чиранган бизнес ахлоқи бундай синовдан ўтди деб бўлмайди.

ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎТИЛДИ

◆МУТАХАССИС МИНБАРИ

Партия ва ҳукуматимиз қарорига биноан 7 июлдан бошлаб қурилишда банд бўлган ишчи-хизматчилар ва ўртача ҳақ оладиган инженер-техник ходимларнинг иш ҳақи оширилди. Бу тадбир ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, меҳнат интизоми ва ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишга, иш сурьатини тезлаштиришга, техник жиҳатдан асосланган нормаларини жорий этишга лозим эди. Ишчиларга қарор тушинтирилди, бошқарма ва участкалар бошлиқлари билан махсус семинарлар ташкил қилинди. Бу масала юзасидан бригадирларнинг махсус кенгаши чақирилди.

Бош бошқармадан янги тарифлар ва нормаларни олиб, уни жойларда ўргандик, тушунтирдик. Кейин махсус калькуляция тузилди. Бу 5 июлгача кўпгина бригадаларни наряд билан тамъинлаш, янги нормалар билан таништириш имконияти берди. Ихтисослашган бошқармалар механизаторлар ва ишбай мутахассислар билан тарификация ўтказди. Разрядлар қайта кўрилиб чиқилгач иш ҳақининг камайиб кетишига йўл қўйилмади. Ҳатто ишчи разряди бир поғона камайганда ҳам унинг иш ҳақига бир ойда камида 10 сўм қўшилди.

Ишчилар билан ўтказилган лекциялар ва кенгашларда қуйидаги масалаларга эътибор берилди: ишлаб чиқариш нормаси, тариф ставка ва ишни баҳолаш қандай ўзгаради? Бу иш ҳақига қандай таъсир қилади? Ишчиларга қандай қўшимча имтиёзлар берилади?

Маълумки, 1968 йилнинг январь ойидан кейин иш ҳақи минимуми 60 сўмга етказилгач, биринчи ва иккинчи разрядли ишчиларнинг тариф иш ҳақи оширилган эди. Эндиликда иш ҳақини ошириш барча разрядли ишчиларга таалуқли. Янги тариф нормалар июль ойидагига нисбатан ўртача 25 процентга ошди.

Янгича ҳақ тўлашга ўтиш муносабати билан ишбай ишчиларга ҳам, вақтбай ишчиларга ҳам ягона тариф ставка белгиланди. Олти разрядли тариф системаси сақлаб қолинди. Вақт нормаси ва тариф ставкалар ўзгариши билан иш ҳақи ҳам ўзгарди. Ишбай ишчиларнинг иш ҳақи 19 процент ошди. Бу ҳар бир ишчининг иш ҳақи шунча ортади демакдир.

Бу ҳисоб қандай ўзгарганлигини ғишт терувчилар ишида яққол кўриш мумкин. Эски нормада бир кубометр жойга ғишт териш учун учинчи разрядли ишчига 4 ишчи соати берилар эди. Ишлаб чиқариш нормаси икки кубометр бўлиб, ҳар бир кубометр учун 1 сўм 70 тийин ҳақ тўланарди.

Янги шароитда вақт нормаси беш процент камайтирилган, 3,8 иш соатига тўғри келади. Иш нормаси 2,1 кубометрдан иборат бўлиб, ҳар бир кубометр учун иш ҳақига бир ойда камида 10 сўм қўшилди.

Эндиликда бази ишларга энг юқори баҳода ҳақ тўланади. Оғир шароитлардаги иш учун янги тариф бўйича бошқалардан 8 процент ортиқча ҳақ тўланади: ўта оғир, зарарли ҳисобланган категориядаги иш учун 17 процент қўшимча ҳақ олишади.

Арматурачилар, асфальт-бетонда ишловчилар, газ пайвандчилар, изолияция ишлари оғир меҳнат ҳисобланади. Бетон ва темир-бетон конструкцияларни қўл кучи билан парчалаш ишлари энг оғир иш ҳисобланади.

Еш ишчиларга катта енгиллик берилди. Ҳунар-техника таълими мактабларини битириб чиққан ишчиларнинг тарифини дастлабки уч ойда 40 процентгача, сўнгги уч ойда 20 процентгача камайтириш ҳақида қурилиш бошқармалари бошлиқларига ҳуқуқ берилди.

Бу ҳолда меҳнатга қандай ҳақ тўланади, деган савол туғилиши мумкин. Иш нормаси 30 процентга камайган, вақт нормаси 42,8 процент ортади ва ҳоказо.

Ҳозир трестнинг барча бошқармаларида янги норматив билан ишланмоқда. Янгилик ҳозирданоқ яхши натижа берди. Трестимиз етти ойлик планни муддатидан олдин бажарди.

А. ЗАЛАЛОВ,
3-трест меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи.



«Учқун» фирмасида ёшларга касб ўргатиш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: тўқувчи А. Бачурина шогирди Л. Фарберовага иш ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



Афғонистон. Суратда. Қобулдаги Раднор Путун кўчасининг кўриниши.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси министрлар совети ҳузуридаги давлат ахборот бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади: мамлакат саноати 1969 йилнинг биринчи ярмида 1968 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 10,4 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди, меҳнат унумдорлиги 6 процент кўпайди. Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 1,8 процент ортди.

Чакана товар оборoти 2 миллиард 447 миллион левни ташкил этди. Бу— 1968 йилнинг шу давридагига нисбатан 134 миллион левлик ортиқдир. Ташқи савдо оборoти бир неча баравар кенгайди. Жами товар айирбошлашнинг 80 проценти социалистик мамлакатлар ҳиссасига, шу жумладан 26,6 проценти, Совет иттифоқи ҳиссасига тўғри келади.


ИККИ ЖАНГ

ГАВАНА. (АПН мухбири). Республика қанд учун жанг қилишга тайёрланяпти. Катта «Сафра-70» ўз йўлини июль ойида бошлаган эди. Бу йўл келгуси йил охиригача давом этарди. Ҳар бир кубалик бу давр ўзидан катта куч сарфлашни талаб этажагини билади.

Шоликорлик далаларининг чегаралари тез кенгайиб боряпти. «С-100» тракторлари тинимсиз гувилламоқда. Сан-Педре дарёсидаги ишлар тугалланяпти. Бу ерда катта канал қазилмоқда. Унинг ёрдами билан биринчи даврларда 180, кейинроқ 400 кобалерий (кобалерий — 12,4 гектар) ерни суғориш мумкин бўлади. План бўйича суғориладиган ерларни 750 кобалерийга етказиш. Сан-Педро ва Дуран дарёларини бирлаштирадиган яна бир канал қазиш кўзда тутилган. Бу канал ишга туширилиши билан яна 100 кобалерий ер суғорилади.

Бу йил 2200 кобалерий, келгуси йилда 4000 кобалерий майдонга шоли экиш белгиланган. Булардан 6 миллион квинтал гуруч (квинтал—45,36 килограмм) йиғиб олиш кўзда тутиляпти.

М. СБОИЧАКОВ.



СУРАТДА: Будапешт яқинидаги Будай тоғ ёнбағрида жойлашган «Қизил юлдуз» меҳмонхонаси.

● Тошкент ҳарбий билим юрти... Бу ҳарбий билим даргоҳи мамлакатда кўплаб офицер кадрлар тайёрловчи энг қадимги билим юртларидан биридир. Бу ҳарбий билим юрти Владимир Ильич Ленининг буйруғи билан суронли 1918 йили ташкил қилинган эди. Билим юртининг дастлабки курсант ва ўқитувчилари Туркистоннинг барча фронтларида оқгвардиячилар ва босмачиларга қарши курашда жасорат намуналарини кўрсатиб жанг қилдилар. Шарқ ўлкасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш олиб бордилар...

● Улуғ Ватан Урушининг суронли йилларида Ленин номидаги ҳарбий билим юрти тарбияланувчилари немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашдилар, она Ернинг бир сиқим тупроғи учун жонини фидо қилдилар. Ҳа, билим юртининг тарбияланувчилари фронтнинг барча участкаларида жасорат намуналарини кўрсатишди. Билим юртида тарбия олган 42 баҳодирга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

● Шу қутлуғ даргоҳда камолга етган кўплаб ҳарбий саркардаларни, жумладан И. Е. Петров, А. А. Лучинский, Н. Г. Ляшченко, Узоқов каби генераллар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин...

● Қизил Байроқ орденли Ленин номидаги Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юрти ўз анъаналарига содиқ бўлиб қолади. Она-юртимизга муносиб офицерлар, ватан посбоблари етиштираверади. Куни-кеча бир группа офицерлар мазкур билим юртини битиришди, жасоратга тўла катта ҳаёт сари одим отишди...

ОФИЦЕР—ФАХРЛИ УНВОН

Ҳарбий кадрлар ўчоғи

Штатсиз мухбиримиз подполковник Ф. Лобзин Қизил Байроқ орденли Ленин номидаги Тошкент олий умум қўшин командирлари билим юрти бошлиғи, полковник Герман Георгиевич ЛЕБЕДЕВ билан учрашиб, бир неча савол билан мурожаат қилди.

САВОЛ — Ўртоқ полковник, бу йил билим юртини битирувчилар учун характерли нарса нима?

ЖАВОБ— Бу йил битирган курсантлар учун характерли нарса улар мамлакатда улуғ сана— Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйи арафасида битиришди.

Барча совет кишилари каби билим юрти курсантлари, командирлари профессор-ўқитувчилари шонли санага қизғин тайёргарлик кўришяпти. Доҳий васиятларини билим юртида тўла амалга оширишяпти. Доҳиймиз ва устозимизнинг революцион фаолияти, унинг гениал асарлари билим юрти коллективи томонидан чуқур ўрганиляпти. Ахир, барча шароитда доҳий васиятлари уларга мадад бўляпти. Бўлажак офицерлар учун ўқишда, ҳарбий машқда йўлчи юлдуз бўлган ҳам доҳий таълимотидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, доҳий васиятларини билим юрти курсантлари ҳаётга татбиқ қилдилар. Натижада бу йил ниҳоятда баракали, ўзига хос йил бўлди. Билим юрти учун олдинги йилларга қараганда 1969 ўқув йилида жанговар ва сиёсий жиҳатдан ниҳоятда пухта тайёрланган аълочи курсантлар сони кўпроқ бўлди. Битирувчиларнинг қарийб 70 процента аълочилар. Кўпгина медалли курсантларимиз ҳам бор. Ҳарбий билим юртини курсантлардан Губский, Корешков, Коптеневлар олтин медаль билан, Ш. Раимқулов, Н. Беглецов, Р. Назаров, В. Пак, Д. Қаунишбоев, Г. Гришченко ва бошқалар эса имтиёзли диплом билан тамомлашди.

Ҳа, билим юртимизни битирганларнинг ҳаммаси она-Ватанимизнинг содиқ ва муносиб фарзандларидир. Улар ҳамиша ўз постларида, ўз вазифаларида сергак ва ҳушёр бўлиб қоладилар.

САВОЛ — Бўлажак офицерларни тайёрлашда ўқитувчи ва командирларнинг фаолияти қандай бўлди?

ЖАВОБ — Кўпгина ўқитувчи ва командирларимиз ҳақида йиғноятда илиқ гаплар айтиш мумкин. Полковник Петр Демьянович Рассказов кўп йиллардан буён марксизм-ленинизм кафедрасига раҳбарлик қилади. У билим юртида тажрибали ва ниҳоятда билимли ўқитувчилардан бири. Курсантлар Рассказов ва унинг ёрдамчилари олиб борган лекция ва машғулотлардан жуда кўп нарсаларни билиб олишди. КПСС тарихи, ҳлмий коммунизм асослари фанларидан чуқур назарий билимга эга бўлишди. Подполковник Костенко эса курсантларни жангчилар ва граждан аҳолиси олдида турли ҳарбий темаларда чиқишга тайёрлайди, сиёсий машғулотлар, лекциялар ўқиш, суҳбатлар ўтказишга йўлйўриқлар кўрсатади.

Курсантларни тактик жиҳатдан чиниққан офицерлар қилиб тарбиялашда ўқитувчилардан подполковник Андрей Иосифович Горев, майорлар Чеканов ва Кузминскийларнинг меҳнати, жонкуярлиги қўл келяпти. Подполковник Гришенко ва майор Дурновлар раҳбарлигида курсантлар ўзларининг мерганлик маҳоратларини оширдилар.

Бу йилги битирувчилар учун яна бир характерли нарса шундаки, улар жисмоний тарбия кўникмаларини пухта ўзлаштиришди. Жисмоний тарбия дарсларини офицерлардан Земцов ва Ивановлар олиб боришди. Спорт мастери бўлган бу ўқитувчилар ўз ўқувчиларига ҳам спортдан жуда кўп нарсаларни ўргатишди.

Билим юрти спортчилари Совети Қуролли Кучларининг билим юртлари биринчилиги учун бўлган мусобақаларида суянш бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Курсант Шейко эса шу мусобақада шахсий биринчиликни қўлга киритди.

Барча курсантларимиз ҳарбий-спорт комплекс нормаларини муваффақиятли топширишди. Капитан Мустафин тренерлик қилаётган волейболчиларимиз командаси эса Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округида бир неча йилдан буён биринчиликни қўлдан бермай келяпти.

САВОЛ— Бўлажак офицерлар Тошкент корхоналари ва муассасалари коллективлари билан қандай алоқада бўлишди?

ЖАВОБ— Билим юртимизда ўқиб, офицерлик погони олган курсантлар шаҳарнинг кўпгина мактабларида бўлишди. Улар ўқувчилар ва пионерлар билан ҳарбий уйинлар ўтказишди, билим юртининг жанговар тарихи ҳақида сўзлаб бердилар. Кўпгина мактабларда ўтказилган «Зарница» ўйинларига раҳбарлик қилишди.

Бу, албатта, болаларда катта таассурот қолдирди. Ўз навбатида ўқувчилар билим юртимизга курсант бўлиб келишга қизиқадилар. Масалан, 80-мактаб (директори Э. Г. Здинская) нинг собиқ ўқувчиларидан В. Жуков, С. Малашевич, В. Громов, Ч. Приваловлар ҳозир билим юртининг аълочи курсантларидир.

Билим юрти шаҳардаги кўпгина завод ва фабрика ҳамда мактаблар билан яқиндан алоқа қилиб туради. Шунингдек, билим юртига Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети ва Олий Советнинг маъсул ходимлари, шаҳар ва район партия комитети секретарлари ташриф буюриб турди.

28 июлда билим юрти битирувчиларининг Тошкент Қизил майдонида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва ҳукумати раҳбарлари билан бўлган учрашуви уларда катта таассурот қолдирди. Бу айни пайтда билим юртига катта эътибор намунасидир.

Билим юртида «Билим» жамияти ташкил қилинган. Кўпгина курсантлар шу жамият аъзолари ҳисобланади. В. Антонов, А. Путилин, И. Черенок, Т. Слуцкий каби актив жамоатчи курсантларимиз шаҳар корхоналари, олий ўқув юртларида бўлишиб, ҳарбий темаларда, халқаро аҳвол ҳақида лекциялар ўқишди.

Шундай қилиб, бу йилги битирувчиларимиз ҳарбий жиҳатдан ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўришган, солдатларни жасорат ва жасурлик руҳида тарбиялайдиган офицерлардир. Ҳа, улар Ватан посбонларини партия ва ҳукуматимизга чин садоқат, Совет Ватани душманларига аёвсиз бўлиш руҳида тарбиялайдилар.



КЕЧАГИ КУРСАНТ—БУГУН ОФИЦЕР

СИЁСИЙ ЧИНИҚИШ



БИТИРУВЧИ, ЛЕЙТЕНАНТ **МАКСИМ ҒАФУРОВ** ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Биз ҳарбий билим юртида ҳар томонлама жанговар тайёргарликка эга бўлибгина қолмай, балки сиёсий жиҳатдан ҳам чиниқдик. Бунинг учун ҳурматли ўқитувчиларга мингдан-минг раҳматлар айтаман.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси отам Қудрат менга:

— Ўғлим яхши ўқи! Ўқитувчиларинг айтган вазифаларни сидқидилдан бажар, сиёсий жиҳатдан етук одам бўлиб етиш! — деганди.

Билим юртида биз нотиқлик санъатини ўргандик. Бу борада В. И. Ленин, С. М. Киров, М. И. Калинин, А. Луначарский, Ф. Хўжаев, Й. Охунбобоев каби давлат арбобларининг ажойиб сўз устаси бўлганликларини билиб олдим.

Профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида биз курсантлар Коммунистик партиямиз тарихини, шунингдек, философия, сиёсий иқтисод ҳамда коммунизм асосларини чуқур ўргандик.

Марғилондаги 134-мактабда бўлиб, халқаро аҳвол мавзуида лекция ўқидим. Ҳаммадан ҳам отамнинг курсанд бўлганликларини айтмайсизми! У севинчини яширa олмай шундай деди:

— Бизнинг оиламизда сен ҳарбий офицер бўлиб етишяпсан. Сен билан фахрланаман, ўғлим!...

Биз битирувчи курсантларнинг сиёсий ходим лавозимларига тайинланиши бизнинг сиёсий тайёргарликда анча чиниққанлигимиздан далолат бериб турибди

Ватан хизмати учун билимим ва куч-қувватимни аямайман, солдатларни ҳар томонлама тарбиялашга сарфлайман.

НИШОНГА ОЛА БИЛИШ



БИТИРУВЧИ, ЛЕЙТЕНАНТ **АНАТОЛИЙ ХАРЧЕНКО** ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Мўлжалга аниқ отиш солдат етуклигидан далолат беради. Фронтчиларнинг ҳикояси бўйича урушда бундай автоматчи ёки пулеметчи, артиллериячи ёки снайперчи ҳамиша ғолиб чиқади, душман устидан ғалабани таъминлайди.

Мен ҳам билим юрти остонасига қадам қўярканман, ана шу ҳислатларни ўзимда мужассамлаштиришга ҳаракат қилдим ва ўқув-тактик машғулотлар туфайли мақсадимга эришдим. Ўқ ўзишда эса фақат аъло кўрсаткичларни қўлга киритдим.

Ўқув машғулотлари давомида кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Айниқса баланд-паст жойларда ҳаракат қилаётганда мўлжаллаб нишонга ўқ узиш ўзига хос санъаткорликни талаб қилади. Офицерлар Дурнев ва Гриценколар ана шу санъат сирларини бизга эринмай ўргатишди.

Дала майдонидаги машқларда бронетранспортёр, танк, турли катталикдаги миномётлардан ўқ узишни машқ қилдик. Нишонни аниқ олиш бўйича ўқитувчимдан бир неча бор ташаккурлар олдим. Яқинда машқларим эвазига кўкрак нишони билан тақдирландим. Мўлжалга аниқ олиш санъатини эгаллашда спорт билан доимо шуғулланиб туришим ҳам жуда муҳим роль ўйнади.

Келгусида Ватан посбонларини сергак ва ҳушёр қилиб тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшаолсам, ниҳоятда бахтли бўлардим.

МАШҚ МАЙДОНИ— ЖАНГЧИ АКАДЕМИЯСИ



БИТИРУВЧИ, ЛЕЙТЕНАНТ **ШАКЕН РАИМҚУЛОВ** ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Энди мен Совет Армияси лейтенанти погонини тақишга муяссар бўлдим. Совет Қуролли Кучлари офицери шарафли унвонини олганим билан фахрланаман.

Фронтчининг ўғли бўлган менинг орзуларим рўёбга чиққанидан ниҳоятда бахтиёрман. Эндиликда солдатларни ҳарбий ишга, Ватанни ҳимоя қилишга, коммунизм қураётган совет халқининг ғалабаларини ҳамиша ҳушёрлик билан қўриқлашга ўргатаман.

Бу борада назарий машғулотлар билан бирга кўпроқ очиқ ҳавода амалий машғулотлар ўтказишга алоҳида аҳамият бераман. Чунки, жанг майдонини эслатувчи далада амалий машғулотлар олиб бориш солдатни чиниқтиради. Шунинг учун ҳам машғулотлар олиб борилаётган дала майдонини жангчи академияси дейиш мумкин.

А. В. Суворов ҳам машқда оғир бўлса, жангда енгил бўлади, деб бекиз айтмаган. Мен подполковник Гирев Андрей Иосифовичдан беҳад миннатдорман. У бизларда ҳақиқий жанг майдонига нўникма ҳосил қила олди.

Билим юртида олган барча билимларимни бўлажак солдатларнинг тарбиясига бағишлайман.

БИЛИМ АТОМДАН КУЧЛИ



БИТИРУВЧИ, ЛЕЙТЕНАНТ В. ПАК ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Атомдан ҳимоя қилиниши бўйича ўтказилган биринчи машғулот ҳамон эсимда. Машғулот далада командир В. С. Чеканов раҳбарлигида ўтганди. Шунда биз юриб бораётгандик. Кутилмаганда командиримиз буйруқ бериб қолди:

— Биздан икки километр нарида хафли жой бор! Тайёргарлик кўринглар!

Дарҳол орқамизга қайтдик. Қуролларимизни ўнглаб, юзимизни ерга босганча етиб олдик.

— Нега сизлар бундай қилдингизлар? — ўқитувчи сўраб қолди.

— Қўрсатмаларда шундай қилиш талаб қилинади, — ҳаммамиз бир овоздан жавоб бердик.

— Бунчалик эмас,— эътироз билдирди у. Нур тарқатгични пайқаш биланоқ окопга, тўғри келган чуқурга, ёки бир пана жойга яширинишга шошилиш зарур. Қайсики, хавфли нур тўлқини таъсир қилишга улгурмаслиги керак. Биз ўшанда ўқитувчи нозиҳидан нур тўлқини беш секундда мавжуд мосфани босиб ўтишини билиб олдик. Ана шу вақтда яқин атрофдаги бекинадиган жойга етиб боришга улгуриш мумкин...

Ялпи қирғин қуроли ҳисобланган атом бомбаси нур тўлқинлари таъсиридан сақланиб қолишнинг барча йўлларини ўрганиб олганмиз. Тажрибадан хулоса чиқариб, шуни айтиш мумкинки, атом бомбасидан ҳам инсоннинг билими кучли экан. Бунга биз жанговар дўстларимиз билан бирга иқрор бўлдик.

ИНТИЗОМ— ЮТУҚЛАР ГАРОВИ



БИТИРУВЧИ, ЛЕЙТЕНАНТ **ГЕННАДИЙ ЖУСУПОВ** ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Темир интизомсиз душманни енгиб бўлмайди. Бу эса ҳаётий ҳақиқатдир. Мустаҳкам интизомсиз эса сиёсий ва жанговар тайёргарликда ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мен бу гапни олий ҳарбий билим юртимизда ўтган йиллар мисолида айтяпман. Кимки, интизомга қатъий риоя қилиб, ўқитувчи ва командирлари айтганини ўз вақтида бажарар экан, у ажойиб натижаларни қўлга киритиши шубҳасиз.

Дўстберган Қуванишбоев ёки Виктор Тенларни олиб кўрайлик. Бу меҳнатсевар йигитлар бирор марта командир ёки ўқитувчиларга топшириқларни бажараолмаймиз, биз учун қийин, деганини сира эшитмагаиман. Уларнинг жавоблари ҳар вақт шундай эди:

— Хўп бўлади, бажарамиз!

Баъзан далада ўтказиладиган машғулотлардан ҳориб қайтганларида ҳам курсантлар, берилган у ёки бу топшириқни ўша заҳотиёқ бажаришга шай эканликларини билдирардилар. Ижро этганликлари тўғрисида рапорт беришарди.

Дарахт илдизларини қирқиб ташласанг, у қуриб қолади, кўркини йўқотади, деган гап бор халқда. Интизомсиз армияни худди илдизи кесилган дарахтга қиёс этиш мумкин. Бизнинг армиямизда ҳечқачон бундай бўлмайди. Бизнинг солдат ва командирларимиз Ватанимизнинг юксак онгли ҳимоячиларидир.

Биз ёш командирлар ҳам ҳар доим мустаҳкам интизом тарафдоримиз. Ўз бўлинмаларимизда ажойиб интизом намунасини вужудга келтириш учун ҳаракат қиламиз. Мустаҳкам онгли интизом барча муваффақиятларнинг гарови, бош омили эканлигини сира унутмаймиз.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

◆ СОЛДАТ МАКТУБИ

Доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейини ўқишда ва сиёсий жанговар машғулотларда муносиб қутиб олиш учун ҳаракат қилаётган курсантларимиз ҳақида гапирганимизда қувончли натижалар кўзимизга ташланади. Лейтенант Шарипов бошчилик қилаётган бўлинма ҳақида жуда илиқ гапларни гапириш мумкин.

Курсантлардан Н. Назаркулов, В. Кузнецов, И. Березников, Г. Сивишников каби радиотелеграфчилар эндигина бир йил хизмт қилишларига қарамай, 15-16 группада передача ва приём қилмоқдалар. Ҳа, бу курсантлар хизмат варақасига кўзингиз тушар экан, командирлар томонидан бир неча марта «Раҳматнома»лар олганини гувоҳи бўласиз. Она-Ватан хизматини «аъло» даражада бажариб ўз курсдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Улар ҳозирнинг ўзида 3-класс радиотелеграфчиси нормативини моҳирона бажариб, имтиҳонларга пухта тайёргарлик билан бормоқдалар.

Ҳа, улар фақатгина актив радиотелеграфчи бўлибгина қолмай, разрядли спортчилар ҳамдир. Ҳарбий бўлинмамизда уюштирилаётган спорт мусобақаларида актив қатнашадилар.


Курсантларимиз доҳийимиз юз йиллик юбилейига муносиб совғалар билан бориш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Курсант Т. УСМОНОВ.

Совет Армияси солдатларининг тактик машғулотлари қизғин «жанг» асосида ўтади. Айниқса Н-қисмининг ўзнюрар артиллерия командири, гвардия кичик сержанти Юрий Белан (ўнгда) ва иккинчи класс механик-ҳайдовчи гвардия кичик сержанти Николай Шипориндар машғулот машқларида ҳамиша актив. Улар барча топшириқларни аъло даражада адо этишади. СУРАТДА: машғулот пайти.

В. Дубровченко
фотолари.





Машқ майдони — жангчи академияси, дейишади. Буни чин қалбдан ҳис қилган солдатлар тактик машғулотларни ниҳоятда аъло даражада бажариш учун ҳаракат қилишади. Ахир, машғулотда қийин бўлса, жангда осон бўлади. СУРАТДА: Н-қисмининг пулеметчиларидан бири (олдинги планда) оддий солдат Ф. Мавлютов машғулот пайтида.

ПХР медали совет гражданига

ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Истеъфодаги полковник Павел Павлович Дегтярев Улуғ Ватан уруши даврида узоқ ва машаққатли йўлларни босиб ўтди. У Москва ҳимоясидан Берлин штурмигача қатнашди. Висла ва Одер дарёларини кечиб ўтди.

Павел Павлович 1942 йилнинг февралида Калинин областидаги Холм шаҳрида олиб борилган шиддатли жангда яраланди, 1942 йил сентябрда эса қадими Русь шаҳри остоналаридаги жангда қаттиқ контузияга учради.

Совет ҳукумати Павел Павловичнинг қаҳрамонона жасоратини юқори баҳолаб, унинг кўксига бир нечта орден ва медаллар тақиб қўйди. Яқинда Павел Павлович Дегтярев Польша Халқ Республикасидан яна бир медаль олди. Бу Польша Халқ Республикасининг «Жангдаги жасорати учун» медалидир.

1965 йил март ойидан бошлаб П. П. Дегтярев истеъфога чиқди. Истеъдодли офицер шу кунларда ёшларни Совет Армиясига чақириш ва уларни қаҳрамонлик руҳида тарбиялашда актив иштирок этяпти. Шаҳарнинг кўпгина завод ва фабрикаларида бўлиб, Улуғ Ватан уруши йиллари ҳақида хотираларини ҳикоя қилиб беради. Кишиларни Совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшяпти.

М. РОМАНЕНКО.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ, 1 АВГУСТ, 1969 Й.

АЖОЙИБОТЛАР

ҚОНУН ТАРИХИ

Майами (АҚШ) шаҳридаги кўча қондасини регулировка қилувчи ўз ёнидан ўтаётган машиналарнинг биттасини маймун бошқариб бораётганлигини кўриб, ҳайратда қолди. Маймун машинани жуда ҳам моҳирлик ва эҳтиёткорлик билан бошқарар, кўча қондасига тўла амал қилиб борарди. Лекин шунга қарамай регулировкачининг берган рапорти асосида штатда машиналарни маймунлар бошқаришини тақиқлайдиган қонун қабул қилинди.

ПАРАНЖИ ОСТИДА ЧЎМИЛГАНДА

Ниҳоят Саудия Арабистонининг хотин-қизлари ҳукуматнинг рухсати билан чўмилиш жойларида чўмилганда кийладиган европача кийим билан пайдо бўлиш ҳуқуқини олдилар. Яқинга қадар улар бутун танни бекитадиган парандагина чўмилишларига ва қуёш ваннасини олишларига мумкин эди. Лекин ҳозир ҳам бу рухсатнинг «аммоси» бор: очиқ чўмилиш кийимида бўлган 15 ёшгача ва 27 ёшдан юқори бўлган хотин-қизларгина юзларини юпқа чачвон билан ёпган ҳолда чўмилиш жойида пайдо бўлишлари мумкин.

НИКОЛАЙ НИКИТИН

Кўқон воқеаси

РОМАН

«Қўқон воқеаси» романи ўзбек китобхонига жуда яқин темада ёзилган. Асарда Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида Туркистонда, Фарғона водийсида Бухорода юз берган тарихий воқеа, меҳнаткаш оммани феодал ҳукмронлигидан озод бўлиш учун кураш, большевиклар раҳбарлигида, рус халқининг дўстона ёрдамида босмачиликка, буржуа миллатчиларга қарши олиб борган оғир, мураккаб қураши тасвир этилган. Бугундан бошлаб шу романдан парча берамиз.

БИРИНЧИ БОБ

1

Қўқон қалъасининг коменданти зўр бериб француз тилини ўрганарди. У «Наполеон Бонапартнинг муқаддас Елена оролида асир тутилганлиги тарихини, унинг хасталаниб, дунёдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ўқирди. Китобнинг қадимий чарм муқовасини моғорлаб кўкариб кетган.

Зайченко, омилкор одам. Тилни ўрганиши билан бирга у, киши иқболининг беқарорлигини жуда бопладо тасвир этган бу китобни зўр шавқ-завқ билан ўзи учун таржима ҳам қиларди. Зайченко француз тилини ҳали яхши билмас, Макаровнинг луғатидан фойдаланар, бу қалин луғатни титиб-варақлаб сўз аҳтарарди. Машғулот комендантни ишдан қўяр ва ҳалақит берарди.

Печка аллақачон совиб қолган. Комендантнинг кичкина квартираси даҳлизида чопар Парамонов керосинкада овқат пиширар ва зерикканидан бутун овозини қўйиб фронтда айтиладиган шалақ бир қўшиқни куйларди:

«Бу дунё ақл бовор қилмайдиган ажойиботлар, воқеалар, ҳодисаларга лиқ тўла, деб ўйлади Зайченко.— Эҳ, шундай замонлар келдики, эндиликда ўз чопарингнинг ҳам сўзини бўлишга ҳаққинг йўқ! Москвани Петроградни ҳам большевиклар эгаллашди. Улар гатто Қўқонга ҳам суқилиб кириб олишди. Ҳаммаси дабдала бўляпти. Ҳаммасининг титиги чиқиб кетяпти. Бор, менга нима! Нима бўлса бўлар!»

Зайченко ўзини ойнага солди. Соқоли қиртишланган бети ҳудди қайноқ сувда куйган каби қип-қизил, бурни керк, сочлари ўсиб, ёқасигача осилиб тушган: бир вақтлар Якобин армиясида офицерлар шунақа соч қўйишни расм қилишган эди. Зайченко Петербургда, Тележная кўчасида пойтахтнинг пастқам жойларидан бирида фоҳишалар гурунгида, ноп-насибасини кўчадан топадиган қашшоқлар орасида дунёга келган эди. У нимайди, чекмайди ҳам. У шуҳрат йўлига ўзини тиккан. Нигирма олти ёшни уриб қўйди. Шунча йил яшаб у нима қилди, нимага эришди? Ҳеч нарсага! Лаънати, қабиҳ ҳаёт!

Қўшиқ тинди. Бирдан эшик очилди-ю, чопар кўринди:

— Юсуф кираверсинми?

Комендант бақириб берди:

— Айт— унга, бугун ўқиш йўқ!

— Хўп бўлади.

— Тобим қочган.

— Хўп бўлади.

Бир минут ўтмай чопар яна кирди:

— Ўтинч сўраяпти!..

— Нега?

— Гапига тушуниб бўладими? Маймуннинг ўзи! Бир нималар деб вақиллайди, хуллас.

— Ўзинг маймунсан.

— Хўп бўлади, — деди чопар икки қадам орқага силжиб, — қўйиб юборайми, жаноби олийлари?

— Ман қанақасига жаноби олийлари бўларканман? Энди бундан буён жаноб-паноб деган гап йўқ! — деди комендант эснаб ва керишда-да, қўлидаги луғатни улоқтириб, оҳиста деди. — Ҳа, майли... Кирит... Барибир қўлим ишга бормаяпти!

Бундан икки йил илгари Зайченко кутулмаган ҳолда Юсуф билан таништи қолди. Юсуф у вақтда ҳали гўдак эди. Зайченко уни бозорда учратди. Юсуф дўкончалар олдида шумшайиб суқ солиб юрарди. Зайченконинг қўлида буюмлари жуда кўп эди. У турли хил ажойиб кўзачалар, идишлар сотиб олган эди ва шу болани ёллаб, буюмларини кўргонга олиб бормоқчи бўлди. Бола қувониб рози бўлди.

Юсуф рус тилини яхши билмасди, шундай бўлса ҳам улар бир амаллаб гаплашиб, келишиб олишди. Ийл-йўлакай Зайченко Юсуфнинг етим эканини, кўқонлик заводчи бой Мамедовнинг меҳри-шафқати остида жон сақлаб келаётганини, бойнинг оғилхонасида ишлаб, отларни қашлаб-ювиб, баъзида извошчи ўрнида ҳам ишлаётганини билиб олди.

Зайченко болани меҳмон қилди, пул берди ва бўш вақтларингда келиб тургин, деди. Комендантнинг таклифини Юсуф тез вақтдаёқ бажо келтириб, уч кун ўтар-ўтмас яна қалъада пайдо бўлди. Кейинчалик яқинроқ танишгач, Зайченко Юсуф жуда қобилиятли бола эканлигини фаҳмлаб олди.

У зерикқан вақтларда Юсуфга рус тилини ўргатишга қарор қилди. Машғулотлар унумли борди. Бу сўнгроқ Зайченконинг меъдасига тегди, аммо Юсуфнинг зўр матонат ва астойдил интилишини кўрди-ю, раҳм қилди, ҳайдаб юбормади.

2

Эгнида оппоқ чопон, бошида олачипор дўппи, яланг оёқ, уст-бошига сап-сариқ сочиқ сочраган, чиллакдак бола хонага кирди-да, ҳеч тўхтамай букилиб таъзим қилаверди. Чопар унинг қулоғидан тортди. Комендант сўкинди:

— Уришма, тентак!

Парамонов елкасини қисиб, ташқарига гумдон бўлди.

Зайченко диванга ўтирди ва жилмайиб, деди:

— Нечун бевақт келиб қолдинг!

— Иш бор, хўжайин. Бугун ўқиш керак эмас, иш қилиш керак, — деди Юсуф оғир нафас олиб.

— И-и-ш? Ўқиш ҳали иш эмас экан-да, сенингча?— куйди комендант. — Дарсни тайёрлаб келдингми?

— Тайёрлаб келдим.

— Баракалла, азамат! Хўш, рус тили қийин экан-ми?

— Қийин, — деди бола ойнага ваҳима билан қараб. — Иш чатоқ, хўжайин! Эски шаҳарда жуда катта шовқин-сурон бўляпти. Кечаси сени қиймалаб ташлашади.

— Нима-нима, мени қиймалашади ? —Зайченко кулди. — Ким?

— Бизникилар.

— Ким у «бизникилар?» Чанишевми?.. Полковник Чанишевми?

— Билмадим. Бу гапни бозорда эшитдим.

— Қалъага ҳужум қилишадими?

Парамонов мис товоқда палов келтирди. Бола бармоғини лаби устига қўйди.

— Юсуфга пиёла келтир! — деб буюрди комендант Парамоновга.

Чопар иккита коса бир нечта оби нон, қошиқлар ва сочиқ келтирди. Нигитча қўлларини тоза артди-да, стол ёнига ўтирди. Зайченко палов солиб берди. Юсуф қошиқни четга суриб қўйди-да, паловни қўли билан «чангини чиқариб» урди, сўнг пиёлани нон бурдаси билан оппоқ қилиб тозалаб қўйди ва одати бўйича бармоқларини ялади.

— Раҳмат! Сен мени бир-икки йил ўқитдинг, Раҳмат, хўжайин! — Юсуф комендантнинг қўлини астагина ушлади. — солдатинг ёмон, ҳа, ёмон солдатинг!

— Ҳеч нима бўлмайди! Биз ўзимизни ҳимоя қила оламиз.

Юсуфнинг бети бужмайиб кетди.

— Тезроқ қоч, хўжайин! Иш чатоқ! Иш чатоқ!— яна қитъйроқ такрорлади нигитча. — Қоч!

Юсуф ҳақ эди. Комендантнинг ўзи ҳам ўз гарнизонидан ишончи комил эмас эди. Солдатлар кузадёқ Керенский даврида қалъадан чиқиб тарқалиб кетишганди. Қишда Брестда немислар билан сулҳ ҳақида музокара бошланди. Шундан кейин қалъа бутунлай хувиллаб қолган эди. Фақат тўрт йил давом этган уруш даврида уй-жойини унутиб, ўз тақдирини ҳам маҳаллий кишилар билан,ҳам шаҳар билан; ҳамда Қўқон Совети большевиклари тақдири билан боғлаб олган қалъа ротасининг йигирмага яқин солдати қўнғироқ, ўрганиб қолган жойни ташлаб кетмасликка қарор қилган эди. Яна қаёққа кетишни билмаган ва айниқса, нимага кетиш кераклигини англаёлмаганлар ҳам қолишди. Бу ерда — қалъада улар учун ҳужалик, уй-жой; озиқ-овқат муҳайё.

Шаҳарда ҳамма, ҳудди ўрта асрдаги каби бўлак-бўлак бўлиб, «Бошга тушганини кўз кўрар» маромида яшарди.

Қўқон икки қисмга бўлинган эди. Янги шаҳарда Совет жойлашган. Шаҳарнинг фақат маҳаллашу шу қисми, вокзал районида яшовчи темир йўлчилар ва пахта заводларининг ишчиларигина Советнинг таъсирида эди. Эски шаҳарда эса ўқ-реакцион ҳукумат ўзини «Қўқон мухторияти» деб аталган ҳукумат жойлашган эди. Бу ҳукумат завод ва фабрикаларнинг хўжайинлари, пахтафурушлар, тақводорлар ва бойлардан иборат эди. Улар Қўқонда туриб, Совет Туркистонига тахдид қиладилар. Аксилинқилобчилар ниқтисодий марказ сифатида Қўқонни эгаллаб олиб, сўнг бутун Фарғонани ўзларига бўйсундирмоқчи бўлардилар. Совет номаълум офицер командирлигидаги кичкина гарнизонга таянолмас эди. Совет Тошкентдан ёрдам сўради.

Шундай қилиб Қўқонда икки ҳукумат мавжуд эди.

Оренбургда атаман Дутов кўзголон кўтариб, Совет Туркистонини 1918 йил январидан буён Россиядан ажратиб қўйгани нитажасида аҳвол яна оғирлашган эди. Дутов ҳақида бу ерда фақат миш-мишлар юрарди. Уни Антанта қўллаб-қувватлаётган эмиш, дейишарди.

Қўқон миш-миш гапларга тўлиб-тошган эди. «Қўқон мухториятчилари» дан базанлари митингларда Урал оқ казаклари шундай зўр кучки, бундай кучни коммунистлар тушида ҳам кўрган эмас, деб ишонтиришга ўринардилар... Қўқонга пусиб кириб олган Дутовга офицерлар Оренбург кетидан яқин кунларда бутун Волга бўйи шаҳарлари, ундан кейин Урал, Урал дан Қозоғистон кўзғалади ва ҳозир Волга саҳролари шаҳарларининг аҳолиси охирги донни еб тугатмоқда, деб Қўқон ҳукумати олдида онт ичишарди. «Баҳоргача бутун марказий Россия нонсиз қолади! Очлик ва умуман, қирғин бошланади.

(ДАВОМИ БОР)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



РАДИО

1
август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** «Баҳор» ансамбли созандаларининг концерти. **8.25** Лирик концерт. **9.30** М. Бурҳонов. «Алишер Навоийга қасида» симфоник-вокал поэмаси. **10.30** Чолғу куйлари. **11.15** «ДУГОНАЛАР» радиожурнали. **12.15** Н. Ҳасанов ва К. Жабборов асарлари. **13.30** Кинофильмлардан куйлар. **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Фан ва турмуш» радиожурнали. **15.40** Молдован куйлари. **16.10** Эстрада концерти. **17.20** Уйғур куйлари. **17.50** «Идеология ва ҳаёт» циклидан (ўзбекча). **18.00** Симфоник рақслар. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. **20.00** «Ленинном» программаси (ўзбекча). **20.30** Ватан ҳақида қўшиқлар. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Ёш ижрочилар концерти. **23.10** «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 А. Фляркоский ва С. Кац қўшиқлари. **9.15** Спорт эшиттириши (русча). **19.00** Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари (русча). **20.00** Пахта далалари меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Озарбайжон куйлари. **21.00** «Оқшом тароналари» деган эстрада концерти. **21.40** «Темирйўлчилар куни олдидан». Суҳбат ва концерт (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Болгар фестивали қўшиқлари. **14.30** Ўзбекистон композиторларининг симфоник сюиталари. **16.30** Ойбек. «Кутлуғ қон» радиопостановкаси (русча). **18.00** «Дугоналар» радиожурнали.

2
август

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (ўзбекча). **18.10** Ленин ҳақида куйлаймиз. **19.20** Тағар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча) **21.10** Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларини ижро этамиз. **22.20** Вальслар. **22.40** Сайёр. «Устоз сабоқлари» (ўзбекча). **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Б. Гиенко: Иккинчи квартет. **19.30** «Севги қўшиғи» деган лирик концерт. **20.00** Рубобчи аёллар ансамблининг концерти. **20.30** Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **20.50** «Пахта териш машиналарини шай қилиб қўйайлик» деган эшиттириш (русча). **21.00** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. Ф. Мусажонов. «Меҳр» повестидан парча (ўзбекча). **21.40** Москва.

1
август

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Ўқувчилар учун. «Ҳаммани фестивалга чорлаймиз». **19.10** Телевизион янгиликлар. **19.25** Қурилиш индустрияси. **19.50** Эдита Пьеха куйлайди. **20.25** Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.30 Телевизион янгиликлар. **20.45** Севимли кино артистлари. «Александр Деньяненко». **22.00** Машина теримини кўзлаб. **22.20** ҒАЙРАТИЙ. Ёзувчининг ижодий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 Болалар учун кинофильм. **18.15** «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм. **19.40** Беш йиллик натижалари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси **20.00** Янгиликлар. **20.15** Калейдоскоп. **20.45** «Актуал темаларда». Телевизион публицистик очерк. **21.45** Владивосток телестудиясининг программаси. **23.00** Темирйўлчилар кунига бағишланган концерт. **00.30** Рангли телевидение программаси. «Уч уч стул» миниатюралар телевизион театри. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 «Оқ қитъа». Телефильм (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.20 Илмий-оммабоп фильм. **20.30** Опа-сингил Логиновалар куйлайдилар. **20.45** «Мафтун сайёҳ». Телеспектакль.

2
август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.00 «Олтин калитча». Бадиий фильм. **11.20** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғлом танда — соғ ақл».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.45** Янгиликлар. **13.00** «Бахтли бўлинг». Дам олиш программаси. **13.30** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **15.00** Интервидение. Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг 30 йиллигига бағишланган эшиттириш.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 17.10 Болалар учун. «Сеҳрланган бола». Кинофильм. **17.50** «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Телевизион журнали. **18.50** Телевизион янгиликлар. **19.05** «Гулдаста» концерт. **19.50** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Киев оперетта театри артистларининг концерти. **22.00** Рангли телевидение программаси. Н. Леонов. «Менинг қўнғироқ қилишимни кутинг». Телеспектакль биринчи ва иккинчи қисмларининг премьераси. **00.30** Социализм дунёси. **01.00** Эстрада концерти. **01.45** «Физкультура ва спорт». Тележурнал. **02.15** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 Театр усталари билан учрашув. РСФСР халқ артисткаси Н. Яуизем. **16.30** Коми АССР телестудиясининг программаси. **17.30** «Билим». Илмий-оммабоп программа. **18.40** Янгиликлар. **19.00** Эфирда «Молодость».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 «Спорт ҳафта ичида» (рус тилида).

Ўзбек тилида: 20.00 Реклама. **20.30** «Фавқулодда ҳодиса». Ҳужжатли фильм. **20.50** «Дўстлик чаманзори». Догистон рақслари. **21.30** «Соҳилга руҳсат». Бадиий фильм.



ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, ЧИЛОНЗОР МАССИВИ, «9-Г-А» КВАРТАЛИДА ЯНГИ ОЧИЛГАН САНОАТ МОЛЛАРИ ЯРМАРКАСИДАГИ 49-МАГАЗИН

ТАШПРОМТОРГ










кенг ассортиментда галантерия, парфюмерия, трикотаж буюмлари билан

Савдо қилмоқда

Шунингдек 41/42-«Совғалар» магазини эсдалик-совға тўпламлари билан савдо қилмоқда.



САНОАТ МОЛЛАРИ ЯРМАРКАСИДАГИ МАГАЗИНИМИЗГА МАРҲАМАТ!

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2|VIII да Ажаб савдолар, 3|VIII да Катта концерт.

Кино

1 АВГУСТДА ҚИШКИ БИНОДА

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЧАЙКА», «МОСКВА», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Доктор Абст тақрибаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч 5 да).

Шошилинч ниноҳ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот Давлат комитетига қарашли Полиграфия комбинати директори А. Н. Саидовга онаси

Ҳабиба ИНОҒОМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 1 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2813.

Р. 04548